

ЖАҲОН

24 соат
ичида

**Бахтли тасодиф
туфайли**

Кобулда мина қўйилган автомобиль портлаши натижасида бир одам ҳалок бўлди, бир неча киши турли даражада тан жароҳати олди. Бу ҳақда кеча «Reuters» мухбири хабар тарқатди.



АҚШлик ҳарбийларнинг таъкидлашича, автомобиль яқинида ҳоржлик аскарлар бўлган. Портлаш уларга қаратилган эди. Лекин бахтли тасодиф туфайли аскарлар омон қолишган.

**Янгиликнинг
йўқлиги янгилик**

Кеча Грецияда давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари ходимлари бир кунлик иш ташлаш эълон қилишди.

«ИТАР-ТАСС» хабарида айтилишича, бир кеча-кундуз давомида мамлакат телевидениеси ва хусусий телеканалларда биронта ҳам янгилик ва ахборот кўрсатувлари берилмади. Газеталар эса умуман чиқмади. Иш ташлашда ахборот агентликлари ҳам иштирок этди.

амалга оширилаётган пенсия соҳасидаги ислохотлардан норози эканликлари билдиришмоқда. Ушбу ислохотларга биноан, мамлакатдаги 150 та пенсия жамғармалари йириклаштирилиб 20 тага келтирилди. Бу эса анча бой ҳисобланган журналистлар пенсия жамғармасининг қашшоқлашишига олиб келиши мумкин.

Журналистлар шу йўсида ҳукумат томонидан

Тилсиз ёв хуружи



Калифорниянинг Малибу шаҳрида руй берган ёнғин оқибатида 53 та ҳашаматли ва қимматбаҳо вилла ёниб кул бўлди. Ёнғин туфайли яна 27 уй вайронга айланди, 29 қурилиш иншооти турли даражада шикастланди.

Тилсиз ёв чекинган бўлсада, унинг оқибатларини тугатиш осон кечмайди. Ёнғин пайтида хавфсиз жойларга кўчирилган 14 минг нафар аҳоли ўз уйларига қайтди. Лекин яшаш учун жойлар етарли эмас.

Малибу Лос-Анжелосдан 50 километр шимолда, Тинч океани қирғоғида жойлашган. Бу ерда Шон Пенн, Синди Кроуфорд, Мел Гибсон, Барбра Стрейзанд каби «Ҳолливуд» актёрларининг виллалари жойлашган.

**Сафар якунига
етмай қолди**

Франциянинг Вилье-ле-Бель шаҳрида полиция ва ёшлар ўртасида кескин тўқнашув бўлиб ўтганини кеча хабар қилган эдик.

Франция президенти Николя Саркози ушбу кўнгилсиз воқеалар муносабати билан Хитойга қилган расмий сафарини тўхтатиб, юртига қайтишга мажбур бўлди. У халққа мурожаат қилар экан, ҳаммани тинчлик ва осойишталикка чақирди.

«Келинлар, бу моҳарода ким айбдор эканлигини суд ҳал қилсин», деди у.

Жазо кучаяди

Японияда келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб ўқ отиш қуролидан нақонуний фойдаланганлик учун бериладиган жазони кучайтириш кўзда тутилган қонун қабул қилинади.



Бу ҳақда мамлакат бош полиция бошқармасининг ўзини танитишни истамаган вакили маълум қилган.

Ҳозирги вақтда нақонуний қурол сақлаган шахс уч йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Янги қонунга кўра, бу муддат беш йилгача кўнаяди ва нақонуний қурол сақлаган шахс яна 30 миллион йен (280 минг долларга яқин) жарима ҳам тўлайди.

Агар қурол жиноий гуруҳ аъзосидан топилса, у 15 йилгача озодликдан маҳрум этилади ва 5 миллион йен (47 минг доллар)лик жаримага тортилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Пластик карточкалар:

ҚУЛАЙ ВА ҲАММАБОП

Пластик карточкаларнинг Ўзбекистон молия бозорига кириб келганига ҳали кўп вақт бўлмади, лекин бу янгиликка бўлган ишонч йилдан-йилга ортиб бормоқда. Гап шундаки, унинг амалиётдаги жараёни глобал миқёсда давом этмоқда.

Ҳатто, кўпгина давлатларнинг паспорти тизимида пластик карточкалар ёрдамида шахсни аниқлаш, яъни идентификация қилиш усулига ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Электрон технологиянинг кескин ривожланиши ахборотларни қозғошда ташвиш усулидан секин-аста воз кечиб, электрон ташувчилар хизматидан фойдаланишга ўтиш имкониятини бермоқда. Маълумки, қозғош пулларни сохталаштириш мумкинлиги, нисбатан улар тез яроқсиз ҳолатга келиши, ишлаб чиқаришда кўп маблағ талаб қилиши, қозғош пуллардан фойдаланиш даражаси мавжудлиги ҳамда уларни ишлаши жараёнини назорат қилиш қийинлиги бу борада ҳар хил қонунбузарликларга йўл қўйилишига олиб келади. Пластик карточкаларни ишлаши эса, бу камчиликлардан холи. Бугунги кунда пластик карточкаларни дунёнинг 220 дан ортиқ давлатида муваффақиятли ишлаштириши бунинг далилидир. Пластик карточкаларнинг тўлов воситаси сифатида ишлаши қанчалик қулай, ишончли эканлигини «Асакабанк» фаолияти мисолида яққол кузатиш мумкин. Жумладан, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3-ав-

густдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-433-Қарори талабларини бажариш юзасидан «Асака» банки томони-

Шунингдек, ўтган 9 ой мобайнида банк томонидан ташкилот ва корхоналарда ойлик иш ҳақи тўловларини пластик карточкалар орқали амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Ҳозирги кунга келиб эса, бундай ташкилот ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори ҳамда 2004 йил 1 ноябрдаги 511 ва 512-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда банкнинг барча ҳолатига нисбатан 23,64 млрд. сўм кўлдир.

Халқаро пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш ҳам узлуксиз ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, халқаро пластик карточкалар сони 1138 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони қарийб 2350 тага етди.


**ТЕРМИНАЛЛАР
ОРҚАЛИ ЎТГАН ПУЛ
АЙЛАНМАЛАРИ
МИҚДОРИ БЎЙИЧА**



**ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР
СОНИ БЎЙИЧА**



**ЎРНАТИЛГАН
ТЕРМИНАЛЛАР СОНИ**



дан муайян ишлар олиб борилади. Айтилик, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш натижасида банк тизимида 218 000 тадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда банк газналарига 1908 та терминал ўрнатилаяпти. 2007 йил 1 январь ҳолатига нисбатан карточкалар сони 24 435 тага, терминаллар сони эса 108 тага осди.

корхоналар сони 2620 тадан ошиб кетди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ҳозирда 900 тага яқин ташкилот ва корхона ишчи-хизматчилари ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олмақдалар. 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича «Асакабанк» томонидан жорий этилган иш ҳақи лойиҳалари кўрсаткичи эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 287 тага кўпайди.

филиаллари омонат кассалари ва мининг банкларидан коммунал хизмат тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни амалга ошириш учун терминаллар тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг сони 204 тага етказилди.

Шу кеча-кундузда эса, республика бўйича «Асакабанк»нинг савдо терминаллари орқали ўтган пул айланмалари ҳажми 38,96 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2006 йил 1 октябрь

Этиборлиси, халқимиз пластик карточкаларнинг нафақат пул тўлашининг қулай усули эканлигини амалда кўрмакда, балки ўз даромадларини ошириш, пировардида иқтисодиётимизни ривожлантириш, давлатимизда банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартиришга хизмат қилувчи молиявий восита эканлигини тушуниб етмоқда. Бу ҳол, ўз навбатида, қутилган самарани бермоқда.

И. УТБОСАРОВ. [1]

Саломатлик



СЎЗИ ҲАМ МАЛҲАМ

«Ситораи Мохи Хосса» санаторийси Бухоро вилоятидаги нуфузли шифо масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда кўплаб тажрибали тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Шифокорларнинг ширинсуханлиги, ўз касбини ардоқлаши, айна пайтда муассаса замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани беморларнинг тез соғайишида муҳим омил бўлмоқда.

Маъмур шифо масканида буйрак ва ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар ўз саломатликларини тиклайдилар. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 500 нафардан зиёд дарддан қилинган тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, 1190 метр чуқурликдан чиқатган шифобахш маъданли сувдан турли касалликларни даволашда фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: санаторий ҳаётидан лавҳа.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Либоси кўркам, қандолати хуштаъм

Шаҳрихон туманида ишбилармонлар сафи тора кенгаймоқда. Улар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш билан бирга, маҳсулот сифатига ҳам эътибор бермоқдалар. Қўни кеча Ваҳм, Бобочек маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам қатор хусусий корхоналар, цехлар иш бошлади.

Тадбиркорлик ларини тикадиган ҳамда қандолат цехларини очди. Унинг маҳалладошларидан ўттиз нафари ишли бўлди. Қандолат цехи очилиши туфайли атрофдаги дўконлар, савдо шохобчалари турли ширинликларга тўлди. 16 нафар қандолатчи иш билан таъминланди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
АХБОРОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	1133,06
1 Англия фунт стерлинги	2649,24
1 Дания кронаси	255,05
1 БАА дирҳами	350,20
1 АҚШ доллари	1285,23
1 Миср фунти	233,40
1 Неландия кронаси	20,84
1 Канада доллари	1311,06
1 Ҳангوى юани	173,33
1 Малайзия ринггити	381,00
1 Поляна злотийси	517,13
1 СДР	2041,91
1 Туркия лираси	1079,57
1 Швейцария франки	1161,32
1 ЕВРО	1900,47
10 Жанубий Корея вони	13,86
10 Япония иенаси	117,59
1 Россия рубли	52,63
1 Украина гривнаси	254,50

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тел.: 250-11-11,
250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

www.hyundai-motor.com

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

МАХСУС КОНТИНГЕНТ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН «ГАЗ-3307» РУСУМЛИ АВТОТРАНСПОРТ ШАССИСИГА ФУРГОН КУЗОВИНИ ЯСАШ ВА ЎРНАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов куйидаги манзилда бўлиб ўтади:
100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Ҳужжатларни такдим этиш — 2007 йил 10 декабр гача.

Телефонлар: 8 10 99871 281-46-70, 139-78-27, 136-39-53. Факс: 8 10 99871 136-39-53.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ЮК ВА ЕНГИЛ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН МОТОР МОЙИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов куйидаги манзилда бўлиб ўтади:
100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Ҳужжатларни такдим этиш — 2007 йил 10 декабр гача.

Телефонлар: 8 10 99871 281-46-70, 139-78-27, 136-39-53. Факс: 8 10 99871 136-39-53.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ЮК АВТОМОБИЛИ ШИНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА тендер савдосини эълон қилади.

Тендер куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Ҳужжатларни такдим этиш — 2007 йил 23 декабр гача.

Тел.: 8-10-99871 281-46-70, 139-78-27, 136-39-53.
Факс: 8-10-99871 136-39-53, 281-46-70.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

АЗАМАТЛАР ОЛҚИШ ОЛИШДИ

Машхур авиа-конструктор Сергей Королев соврини учун Москва шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпиони Голиби Азамат Эргашев шохсупанинг юқори погонасига кўтарилди.

Когон шаҳридаги «Али спорт техника» хусусий клуби тарбияланувчиси саналган Азамат 69 килограмм вазнда рингга чиқиб, Германия, Беларусь, Украина вакиллари, ҳал қилувчи баҳсда эса россиялик боксчини мағлуб этди. Шу клубнинг яна бир аъзоси Азамат Саидов ҳам 60 килограмм вазнда халқаро турнир голиби бўлди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛАШАДИ

Хоразмда спортнинг оммавий ҳамда илмий турлари бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида спартакиада бўлиб ўтди.

Мусобақа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилди.

Волейбол мусобақаларида Қўшқўйр тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Янгибозор тумани жамоасига иккинчи, урганчилик спортчиларга учинчи ўрин nasib этди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«СЕВИНЧ» - ГОЛИБ

Қаршининг «Севинч» жамоаси футболчи қизлари иккинчи бор Ўзбекистон кубогини қўлга киритишди.

«Қибрай» спорт мажмуасида аёллар ўртасида бўлиб ўтган VI Ўзбекистон кубоги финалида Қашқадарь вилояти вакиллари «Андижанка» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Н. ҲАМРОЕВ.



«СУВ ПАРИЛАРИ» ТОШКЕНТДА

Кеча ўтказилган матбуот анжуманида ташкилланганидек, мамлакатимизда ушбу спорт тури жадаллик билан оммалашиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика синхрон сузиш федерацияси, «Соғлом авлод учун», Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа қатор ташкилотларнинг ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари ижобий самара бермоқда.

Дарҳақиқат, 2004 йилда синхрон сузиш билан шуғулланган қизлар сони 250 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар 1000 нафардан зиёддир. Республикаимизнинг деярли барча вилоятларида синхрон сузиш федерациялари очилди. Кўплаб сузиш ҳавзалари қурилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вилоятлардаги Олимпия заҳиралари коллежларида синхрон сузиш бўлими ташкил этилди. 2006 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қошида синхрон сузиш бўлими ташкил этилиб, бир гуруҳ қизлар ўқишга қабул қилинди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар тўғрисида хабарларимизнинг халқаро майдонларда эришадиган муваффақиятлари ҳам салмоқли бўлмоқда. 2005 йили Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатининг яққалик (соло) баҳсларида Дарья Можжаева, жуфтлик (дует) баҳсларида эса Наталья Корнеева ва Валентина Поповалар кумуш медаллар соҳиби бўлишган эди. Вакилларимиз Малайзияда бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Жорий йил Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатининг яққалик (соло) баҳсларида Анастасия Рўзметова бронза медални қўлга киритди. Яқинда Мисрда бўлиб ўтган халқаро турнир юртдошларимиз учун янада омадли бўлди. Жамоавий беллашуларда қизларимиз биринчи ўринни эгаллашган бўлса, дует мусобақасида Наталья Корнеева ва Валентина Попова кумуш медал билан тақдирландилар. Мельбурн (Австралия)да ташкилланган жаҳон чемпионатидан ҳам қизларимиз тажриба орттириб қайтишди.

Бу йилги мусобақага вакилларимиз терма жамоа бош мурабийиси Галина Краснова бошчилигида жиддий ҳозирлик қўришди. Мусобақа арафасида Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳарчасида мурабий ва мутахассислар учун махсус семинар ташкил этилди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур мусобақада Словакия, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимиз вилоятларидан келган қизлар иштирок этишмоқда.

Мусобақа доирасида иккинчи «Гимнастрада» фестивали ҳам бўлиб ўтди. Гимнастрада спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, акробатика, трюмполь, аэробика, айна пайтда фольклор, замонавий рақслар ҳамда фитнесни ўз ичига олади. Бу спорт тури билан нафақат соғлом, балки ногирон инсонлар ҳам бирдай шуғулланишлари мумкин. Уларнинг ёши эса чегараланмаган. Жорий йилнинг июль ойида Австралиянинг Дорэнброн шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон фестивалида мамлакатимиз вакиллари «Миллий жамоа» номинациясига муносиб қўрилганди.

Бугун пойтахт-тимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройида синхрон сузиш бўйича VIII «Сув париси» очик халқаро турнири бошланади.

Синхрон сузиш айнан қизлар учун мослиги, спорт ва санъатни ўзида мужасамлаштирганлиги билан диққатга сазовордир.

Темур ҚҮРБОНБОВ олган суратлар.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида таъваққо ИТФ бўйича 14-17 вилли «қора белбоғ» соҳиблари ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

2008 йилнинг апрель ойида Алматы (Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтадиган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида саралаш вазифини ўтаган мазкур турнирда барча вилоятлардан келган 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Чемпионатдаги асосий совринли ўринлар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарь, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятлари спортчиларига nasib этди.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мурабийиси Фахриддин Умаровнинг таъкидлашича, навбатдаги ўқув-йиғини машғулотлари декабрь ойида ташкиллаштирилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАРСЛИКЛАР КЎРГАЗМАСИ

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда «Ўзқитобсавдо» вилоят бўлими билан ҳамкорликда Маънавият ва тарғибот марказида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари кўرғазма-ярмаркасини ташкил этди.

Ўқитувчилар, кутубхоначилар, услубчилар, мактаб раҳбарлари ҳамда ота-оналар кўрғазмага қўйилган экспонатлар билан яқиндан танишмоқдалар.

Тақдир ва мулоҳазалар дафтарига эса 2007-2008 ўқув йилида фойдаланиш учун тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг дизайни, чидамлилиги, таълим стандарти ва ўқув дастурларига мос келиши, нархи ва матбаа ижросининг сифати ҳақида

фикрлар ёзиб қолдиришмоқда. Шунингдек, кўрғазмада мактаб раҳбарлари ва ота-оналардан чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилинапти.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГИПСОКАРТОН BRAUS

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
ТОЛЩИНА: 8; 9,5; 12мм. РАЗМЕР: 1,2x2,5 м.
Тел.: 267-37-07, 339-14-00. Тел./факс 268-11-89
E-mail: brausboard@rambler.ru

Российский Обои линолеум виниловые
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

2007 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДА
объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган тақрорий очик аукцион савдосига бошланғич баҳоси 20% арзонлаштирилган қўйидаги объектлар қўйилади:
1. Самарқанд вилояти хўжалик судининг 14-04-09/30-3585-сонли иш бўйича 2005 йил 6 майдаги ижро ҳужжатида асосан суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлими томонидан хатланган, Жиззах шаҳар «А» саноат ҳудудида жойлашган, Жиззах шаҳридаги «Восток ЛТД» фирмасига тегшли «Керамзит» заводи мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида (маъмурий бино, 2 та хом ашё сақлаш омборхонаси, майдалаш (дробильная) бўлими, ишлаб чиқариш мажмуаси, галерея қурилмаси, насос биноси, омборхона биноси, иссиқ суви сувтадиган қурилма (градирня) биноси, тайёр маҳсулот сақлаш омборхонаси, мазутунасос мажмуаси, сув сақлаш иншоотлари, комплекс трансформатор подстанцияси, темир-бетон девор тўсиқлари хароба ҳолда) 476 470 807 сўм бошланғич баҳо билан қўйилади.
2. Жиззах вилояти хўжалик судининг 13-0603/6480-сонли иш бўйича 2006 йил 26 майдаги ижро ҳужжатида асосан суд ижрочилари Дўстлик тумани бўлими томонидан хатланган, «Дўстлик пахта тозалаш» АЖга қарашли, Дўстлик шаҳри, Хамза кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 575 м², 1975 йилда қурилган, фойдаланишга яроқли, 2 қаватдан иборат маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 52 864 117 сўм.
Талабгорлардан аризалар аукцион савдоси ўтказилишига 1 кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Жиззах вилояти филиалининг иккиламчи ҳисоб рақами (20210000000571452050 АТ «Ипотека» банки, «Сангзор» филиали, МҲО 00834, ИНН 200933850)га тулашлари шарт.
Савдо голиблари мулкнинг тўлиқ қийматини савдо натижалари тўғрисида баённома имзоланган қўндан бошлаб, 5 (беш) банк куни давомида тўлаб беришлари шарт.
Маълумотлар учун РКМБ Жиззах вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.
Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шохкўчаси, 39-уй. Телефонлар: (372) 222-35-77, 222-34-16, 771-65-90.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Анжлийон вилояти судининг раиси Абдурашул МАДРАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.
«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси бош директор ўринбосари Рустам Ҳусанова онаси ЗАРИФАХОН аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.
Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автотранспорт факультети декани мувини Зебо Алимовна укаси Ҳабибулло АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.
«Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори, профессор А.В.Каримова волидан муҳтарамаси МАХСУМА аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.
ХОАТБ «Алп Жамол Банк» жамоаси банкнинг Ҳазначилик бошқармаси бошлиғи Рустамжон Мирзақуллова падари бузруквориди АҲМАД отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент фармацевтика институти жамоаси Анаорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси доценти Комилжон Чўлпонова онаси ЗЕБУНИСО аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ билдиради.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
1-Тижорат материали
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.45
Тошхирлиди — 22.35 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Набатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.